

Ж.Я. Нуриллаев

Тошкент молия институти

jamolnurillaev@gmail.com

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ

### ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Mannotatsiya.** Мақолада маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган бўлиб, бюджет мустақиллиги ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири баҳоланган. Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар мустақиллиги таъминлаш тизимини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

**Калит сўзлар:** макроиқтисодий барқарорлик, бюджет тизими, бюджетлараро муносабатлар, бюджетни номарказлаштириш, молиявий мустақиллик, ижтимоий сиёсат.

### ISSUES TO ENSURE FINANCIAL INDEPENDENCE OF LOCAL BUDGETS

Ja. Ya. Nurillayev

Tashkent Financial Institute

jamolnurillaev@gmail.com

**Annotatsiya.** The article examines the processes associated with ensuring the financial independence of local budgets and assesses the impact of budget independence on socio-economic development. It also summarizes the proposals and recommendations for improving the system of ensuring the independence of local budgets in Uzbekistan.

**Key words:** macroeconomic stability, budget system, inter-budgetary relations, budget decentralization, financial independence, social policy.

Ҳозирги кунда энг муҳим масалалардан бири бу - бюджетлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва уларнинг иқтисодий потенциалидан фойдаланиш муаммосидир. Мамлакат солиқ тизимидаги муаммолар иқтисо-диётни эркинлаштириш ва модернизациялашнинг чуқурлашиб боришига мутаносиб равишда босқичма-босқич бартараф этиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръат-ларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир” [3].

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривож, аҳолисининг турмуш

шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқдир. Шу сабабли, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонда, тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобига, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, макроиқтисодий муносиб-ликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулот-нинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда.

Давлат бюджетининг барча даражаларида муносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш [1] орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳандислик-коммуникатсия, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш асосий мақсадимиздир [2].

Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги даврида ҳудудларни молиявий барқарорлигини таъминлашда маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини кенгайтириш ва самарали жойлаштириш, турли бюджетдан ташқари жамғармалар ва халқаро молия ташкилотлари грантидан унумли фойдаланишига олиб келади[4]. Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет ва ижтимоий сиёсатнинг уйғунлигини таъминлаш мақсадида молия тизимининг соҳаларини, жумладан бюджет тизимини

ваайниқса, унинг таркибий қисми ҳисобланган маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижросини таъминлаш, шунингдек ҳудудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашувининг олдини олишни ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг кенгайиб бориши шароитида уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш учун замин яратади. Шунингдек бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар улар даромадлари барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур чора-тадбирлар маҳаллий бюджетларнинг марказга боғлиқлигини кескин камайтириб, стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш орқали фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мамлакатда мавжуд ички тузумни мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий жараёнларни жаҳондаги ўзгарувчан шароитларга мослаштиришдан иборат.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5283 сонли Фармони

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 104 б.

4. Турсунов Б.О. Молиявий мустақиллик – бюджет тизимини самарали амал қилиши ва рақобатбардошликни ошириш омили. Режим доступа: <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/download/3708/2724/>